

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УЗАЙДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН ОЛИМОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ АНОР НАВЛАРИДАН ШАРБАТ КОНЦЕНТРАТИ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш  
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

<b>Узайдуллаев Акмалжон Олимович</b> Маҳаллий анор навларидан шарбат концентрати олиш технологиясини яратиш.....	3
<b>Узайдуллаев Акмалжон Олимович</b> Создание технологии получения сокового концентрата из местных сортов граната.....	21
<b>Uzaydullayev Akmaljon Olimovich</b> Creating a technology for obtaining juice concentrate from local varieties of pomegranate.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УЗАЙДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН ОЛИМОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ АНОР НАВЛАРИДАН ШАРБАТ КОНЦЕНТРАТИ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш  
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2362 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.bmti.uz](http://www.bmti.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Баракаев Нусратилла Ражабович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исабаев Исмаил Бабаджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Маматов Шерзод Машрабжанович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz)).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўч., 15. Тел.: (99865) 223-78-84).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2022 йил «18» январдаги №3 рақамли реестр баённомаси).

**С.Ф. Фозилов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раис  
ўринбосари, т.ф.д., профессор

**Р.Р. Ҳайитов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,  
т.ф.д., кат.ил.ход.

**Ш.М. Ходжиев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.н., доцент

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда жумладан, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Туркия, АҚШ, Покистон, Афғонистон шунингдек Ўзбекистонда анорни қайта ишлаш корхоналарида юқори даражада ўсиш кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалик хом ашёларини комплексли қайта ишлаш корхоналарида мураккаб конструкцияли, юқори энергия сарфини талаб қиладиган аппарат ва қурилмалардан фойдаланиб келинмоқда. Шунга кўра анорни қайта ишлаш, экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда таркиби углевод, витамин ҳамда микро ва макроэлементларга бой бўлган мева-сабзавотларни қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, замон талабларига мос техника ва технологияларни яратиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, мева-сабзавотларнинг шарбатларини олишнинг юқори самарали усули ва технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизнинг озиқ-овқат саноатида мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш, анор навларидан самарали фойдаланиш орқали экспортбоб шарбатлар ишлаб чиқариш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш<sup>1</sup>» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий қайта ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича тадбирлар дастури ҳақида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2015-2020 йилларда сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича тадбирлар концепцияси ва комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2716 сонли «2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлаш қувватларини ташкил этишни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Анор мевасини қайта ишлаш орқали шарбат олиш, уни тиндириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга оид тадқиқотлар хорижлик олимлар А.С. Карашарли, Л.Б. Габассова, Т.А. Лисогор, Джорж Абдалла Ботрус, Г.К. Гафизов, Л.Г. Семочкина, Бенамара Салем, Хайдар Хасан ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Қишлоқ хўжалик хом ашёларига ишлов бериш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид маълумотлар республикамиз олимлари С.Х.Абдураззакова, Ж.М. Қурбонов, Қ.О. Додаев, Ф.Х. Эшматовларнинг ишларида қайд этилган.

Анор шарбати таркибидаги витамин ва оксилларни сақлаб қолиш, шарбатнинг юқори шаффофлик даражасини таъминлаш, анор шарбатидан олинган маҳсулот ассортиментини оширишга қаратилган технологик тизимларни яратиш масалалари етарлича даражада олиб борилмаган. Шунга кўра анор шарбатига ишлов беришда ўта юқори частотали электр магнит майдон таъсирида пастеризациялаш жараёнини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий анор навларидан шарбат концентрати олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

республикамизда етиштириладиган анор мевасидан шарбат ишлаб чиқариш технологиясини таҳлил қилиш;

ўта юқори частотали (ЎЮЧ) электромагнит майдон таъсирида шарбат таркибидаги микроорганизмлар фаолияти тўхтатилишини асослаш имконини берувчи ЎЮЧ пастеризатор қурилмасини ишлаб чиқиш;

анор шарбатини сифатли тозалашда ҳамда тиниқлик даражасини оширишда флотация усулини қўллаш ва жараённи амалга оширувчи икки камерали электрофлотатор қурилмасини яратиш;

электрофизикавий қурилмалар ёрдамида анор навларининг диэлектрик ўтказувчанлик хоссасига кўра анор шарбатининг тозаланганлик даражасини аниқлаш;

пастеризациялаш ҳамда электрофлотатор қурилмаларини жорий қилиш асосида анор мевасидан шарбат олиш технологик тизимини такомиллаштириш;

юқори сифатли анор шарбатини ишлаб чиқаришда электрофизикавий қурилмаларнинг муҳандислик ҳисоби ва иқтисодий самарадорлигини

ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида анор меваси ҳамда уни қайта ишлаш натижасида олинадиган анор шарбати ва концентрати олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни анор мевасидан сифатли шарбат олишга мўлжалланган ўта юқори частотали электромагнит майдон таъсирида ишловчи пастеризациялаш қурилмаси ва шарбатни электрфлотациялаш жараёни ёрдамида тозалаш усуллари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида физик, кимёвий, электрофизикавий услублар, реактивлар тайёрлаш, қуруқ моддани аниқлаш, умумий ва фаол кислоталиликни аниқлаш услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўта юқори частотали (ЎЮЧ) электромагнит майдон таъсирида анор шарбати таркибидаги микроорганизмалар фаолиятини тўхтатишнинг афзалликлари асосланган ва ЎЮЧ пастеризатор қурилмаси ишлаб чиқилган;

анор шарбатини сифатли тозалаш жараёнида флотация услубини қўллашнинг афзалликлари асосланган ва икки камерали электрофлотатор қурилмаси ишлаб чиқилган;

шарбат маҳсулотларини сифатли тозалаш жараёни учун таклиф этиладиган электрофизикавий қурилмаларни қўллаш орқали маҳаллий анор навларининг диэлектрик ўтказувчанлиги аниқланган;

маҳаллий анор мевалари асосида шарбат ва концентрат олиш технологияси такомиллаштирилган;

сифатли шарбат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун таклиф этилаётган электрофизикавий қурилмаларининг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

анор шарбатини пастеризациялашда ЎЮЧ ЭММ энергиясидан фойдаланиб микроорганизмларнинг интенсив фаолиятини тўхтатиш жараёни яратилган;

анор шарбатини электрофлотация жараёни ёрдамида сифатли тозалашнинг рационал тизими яратилган;

шарбат маҳсулотларини пастеризациялаш учун электрофизикавий қурилмаларни ишлаб чиқишда маҳаллий анор навларининг диэлектрик ўтказувчанлиги аниқланган;

анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқариш технологик тизимлари ЎЮЧ пастеризатор ҳамда электрофлотатор қурилмаларини қўллаш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот натижаларини олишда юқори аниқликдаги рН-метрлар, электрон титрантлар ва аналитик тарозилардан фойдаланилганлиги, MATLAB 6.5, STATISTICA 6.0 каби тизимли компьютер дастурларидан фойдаланилган, назарий ва тажриба натижаларининг адекватлилиги аниқланган, тадқиқотларнинг ижобий натижалари уларнинг реал ишлаб чиқариш маълумотлари билан қиёсий

тахлили ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анор меваларидан шарбат ва концентрат ишлаб чиқаришда электр магнит майдон энергиясидан фойдаланиб, ЭММ энергиясининг иссиқлик эффекти асосида микроорганизмларнинг фаолиятини тўхтатилиши, ЎЮЧ пастеризациялашда тўлқин узунлиги шарбатнинг диэлектрик ўтказувчанлигига боғлиқлиги билан изоҳланади. Шарбат маҳсулотларини электрофлотация усули ёрдамида тозалаш жараёни электрофлотатор қурилмасидаги ток зичлигига боғлиқлиги, ушбу жараён шарбатнинг физикавий кимёвий таркибига сезиларли даражада таъсир этмаслиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, анор шарбатининг пастеризациялаш жараёни жадаллашади, ишлаб чиқаришда санитария гигиеник ҳолат яхшиланади, шарбатларни электрофлотация ёрдамида коллоид заррачалардан тозалаш орқали сифат кўрсаткичи яхшиланади ҳамда халқаро спецификация талабларига мос анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий анор навларидан шарбат концентратини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анор шарбатини ЎЮЧ пастеризациялаш қурилмаси «Master Global Plus» корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон Озиқ-Овқат Саноати Уюшмаси»нинг 2021 йил 16 декабрдаги 16-127/12-21-сон маълумотномаси). Натижада, анор шарбати сифатига, сақланиш муддатига таъсир этувчи микроорганизмлар фаолиятини тўхтатишига эришиш имконини берган;

анор таркибини қўшимчалардан тозалашга мўлжалланган электрофлотатор қурилмаси «Master Global Plus» корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон Озиқ-Овқат Саноати Уюшмаси»нинг 2021 йил 16 декабрдаги 16-127/12-21-сон маълумотномаси). Натижада, анор шарбатини 98 фоизга тозалаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, хорижий журналларда 1 та мақола ва республика журналларида 3 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий қиймати очилган, ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳақида маълумотлар келтирилган, чоп этилиш даражаси ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда анор мевасидан шарбат олиш қайта ишлови технологиясининг аналитик таҳлили**» деб номланган биринчи бобида, Ўзбекистонда анор мевасидан шарбат олиш технологиясининг аналитик таҳлили амалга оширилган. Анор мевасининг кимёвий таркиби ва ундан ишлаб чиқариладиган шарбатнинг сифатини яхшилаш бўйича хозирга қадар олиб борилган тадқиқотлар ўрганиб чиқилган. Анор мевасини комплекс қайта ишлаш техника ва технологияларидаги муаммолар чуқур таҳлил қилиниб, анор мевасини қайта ишлов бериш технологияси такомиллаштирилиши ва ишлаб чиқарилаётган шарбатларнинг сифатини яхшилашда электрофизикавий методларнинг қўлланилиши қайд этилиб, тадқиқотнинг асосий концепцияси шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Анор мевасини қайта ишловида ўта юқори (ЎЮЧ) электромагнит майдони энергияси ёрдамида пастеризациялаш**» деб номланган иккинчи бобида, анор мевасидан шарбат ишлаб чиқариш технологиясидаги пастеризациялашда ЎЮЧ ЭММ энергиясидан фойдаланиш асосланган. Бунда, биообъектнинг ЎЮЧ ЭММ, ҳажмий қуввати  $P_v^o$ : (Вт/м<sup>3</sup>):

$$P_v^o = 0,278 \cdot 10^{-10} E^2 \cdot f \cdot \varepsilon'' \quad (1)$$

$E$ -электр майдон кучланиши, Вт/м;  $f$ -электромагнит майдон частотаси Гц,  $\varepsilon''$  йўқотиш фактори  $\varepsilon'' = \varepsilon' \operatorname{tg} \delta$ ;  $\operatorname{tg} \delta$  диэлектрик йўқотиш бурчаги ҳисобланади.

Агар хужайранинг юзи, тақрибан  $10^{-8}$  см<sup>2</sup> бўлса, электромагнит майдони таъсирдан олган иссиқлик  $Q$  миқдори:

$$Q = 8,38 \cdot 10^{-32} \delta_{об} \cdot f^2 \cdot \varepsilon^2 \cdot \tau \quad (2)$$

$\delta_{об}$ - биообъектнинг солиштирма ўтказувчанлиги См/м;  $f$ -майдон частотаси, Гц;  $\varepsilon$ -электр майдоннинг кучланиши Вт/м;  $\tau$ - вақт/с.

Бу икки қонуният ёрдамида вақт бирлигида биообъектнинг  $\Delta t$  қизишига кетадиган  $P_s$  солиштирма майдон қуввати ва кучланишини  $E$  аниқлашимиз мумкин бўлади:

$$E = \sqrt{\frac{m \cdot C_{об} \cdot \Delta t \cdot 10^6}{8,38 \sigma_{об} \tau} \cdot \frac{1}{f}} \quad (3)$$

$$P_s = 1,2 \cdot 10^{31} \frac{m C_{об} \cdot \Delta t}{\sigma_{об} f^2 \tau \cdot R_0} \quad (4)$$

Бунда,  $E$ –Вт/м;  $P_s$ -Вт/м<sup>3</sup>;  $R_0$ -бўш муҳитнинг қаршилиги, Ом.

Агар биз, биологик объект хужайрасининг тахминий тавсифини:  $m=10^{-15}$  кг;  $C_{об}=4190$  Дж/кг °С;  $\sigma_{об}=(5 \cdot 10^{-15} \text{ соат } 2 \cdot 10^{-4})$  см/м десак, унда  $f=3 \cdot 10^9$  Гц, частотада  $\tau = 60$  с. да хужайрани 1 °С га иситиш учун солиштирма майдон қуввати  $P_s=300$  мкВт/см<sup>2</sup> тенг бўлади. Бу эса, хужайрага ЭММ энергиясининг таъсир чегараси ҳисобланиб, бундан паст ҳарорат биокимёвий кинетика реакциялари натижасида содир бўлади.

Албатта микроорганизмларнинг “яшаши” унга ЎЮЧ ЭММ таъсирида хужайрадаги иссиқлик миқдорига боғлиқ. Агар, биз уни  $P_{кл}$ -ЭММ томонидан хужайрага берилган қуввати, Вт; деб олсак:

$$P_{кл} = 2\pi \cdot \varepsilon_0 \cdot f \cdot \varepsilon''_{кл} \cdot \varepsilon_{кл}^2 \cdot V_{кл} \quad (5)$$

бунда:  $\varepsilon_0$ -вакуумнинг диэлектрик ўтказувчанлиги  $8,85 \cdot 10^{-12}$  ф/м;  $\varepsilon''_{кл}$ -хужайранинг комплекс диэлектрик ўтказувчанлиги;  $V_{кл}$ -хужайра ҳажми, м<sup>3</sup>,  $f$ -майдон частотаси, Гц;

ЭММнинг хужайрага иссиқлик характеридаги таъсирида микроорганизмларнинг ЎЮЧ ЭММда “яшаш”ини экспоненциал қонун билан ифодаланади:

$$N=N_H \exp(B \cdot \tau) \quad (6)$$

Бунда:  $N$ -ҳозирги вақтда микроорганизмлар хужайралар сони;  $N_H$ -хужайра бошланғич сони;  $B$ -микроорганизмларнинг “фаолиятини тўхтатиш” параметри бўлиб, унинг миқдори микроорганизмларнинг ҳаётга қанчалик мослашувига, ҳароратига, тури, хили ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, микроорганизмлар фаолиятининг тўхташ тезлиги майдон қувватига, частотасига, муҳитдаги концентрациясига ва диэлектрик ўтказувчанлигига  $a_\varepsilon$  нисбатига боғлиқ. Агар  $a_\varepsilon < 1$  бўлса,  $C_v$  концентрация камайиши ва микроорганизмлар фаолияти тўхташ тезлигининг ошишини  $a_\varepsilon > 1$  бўлса,  $C_v$  камайиши пасаяди. Шунингдек, микроорганизмлар фаолиятининг тўхташ тезлиги  $\varepsilon''$  нинг катта ва кичиклигига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун, биз эксперимент ўтказиш методи билан анор мевасининг диэлектрик ўтказувчанлигини аниқладик, олинган ва ҳисобланган маълумотлар 1-жадвалга келтирилди.

## 1–жадвал

### Анор мевасининг диэлектрик ўтказувчанлиги

Т/р	Анор навлари	Шарбат миқдори, %	Диэлектрик ўтказувчанлик $f=2300$ мГц $t=20$ °С		
			$\varepsilon'$	$\varepsilon''$	$tg\delta$
1	Қозоқи анори	40-45	60,2	16,1	0,27
2	Қизил анори	45-50	61,3	17,2	0,28
3	Аччиқ қай анори	25-30	56,7	15,4	0,27
4	Қора қай анори	30-35	59,6	15,8	0,26
5	Асл қай анори	25-30	57,1	14,9	0,26
6	Пушти гулоша (оқ пўчоқ ширин)	20-25	53,8	14,3	0,28

ЎЮЧ ЭММ энергиясининг анор шарбатини пастеризация хусусиятини экспериментал аниқлашда унинг бактерицид ва микоцидли таъсири аниқланди.

ЎЮЧли ва оддий иситиш пастеризацияси, стерилизацияси (*V.Mesentericus*) учун, бошланғич концентрацияси  $2,2 \cdot 10^2$  хужайра сони/см<sup>3</sup> ва  $2,5 \cdot 10^3$  хужайра сони/см<sup>3</sup> билан солиштириб кўрилганда, иситиш тезлиги икки методда ҳам бир хил қийматни  $0,8 \text{ } ^\circ\text{C/сек.}$  ташкил этди. ЎЮЧ иситишда микроорганизмлар концентрациясида оддийга нисбатан камайиши аниқланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Моғорли микроорганизмлар ҳаётига оддий ва ЎЮЧли иситиш таъсири

Микроорганизмлар бошланғич концентрацияси хужайра сони/см <sup>3</sup>	Муҳитнинг сўнгги ҳарорати $^\circ\text{C}$	Ишлов бериш давомийлиги, сек.	Микроорганизмлар концентрацияси хужайра сони/см <sup>3</sup>	
			ЎЮЧли иситиш	Оддий иситиш
$2,0 \cdot 10^2$	65	90	12·10	$2,2 \cdot 10^2$
$2,5 \cdot 10^3$	65	90	22	$4 \cdot 10^3$
$2,0 \cdot 10^2$	70	95	3	$8 \cdot 10$
$2,5 \cdot 10^3$	70	95	5·10	$11 \cdot 10^2$
$2,0 \cdot 10^2$	75	100	0	$4 \cdot 10$
$2,5 \cdot 10^3$	75	100	0	$4 \cdot 10^2$

Агар, *V.Mesentericus* микроорганизми фаолиятини тўлиқ тўхтатиш тўлиқ учун 100 сек. кетса, *Candida mycoderma* учун 30 сек. етарли бўлади.

Иситиш темпининг оширилиши пастеризация жараёнини муддатини кескин камайтиради. Лекин, микроорганизмлар “фаолиятини тўхтатиш” температурасини кўтаради. Шунинг учун, шарбатлар турига қараб турлича бўлади.

ЭММ энергияси таъсирини муддатининг оширилиши, унинг кимёвий ва органолептик кўрсаткичларига кўп ҳам таъсир кўрсатмайди (3-жадвал).

## 3-жадвал

### ЭММ энергияси таъсири муддатининг оширилишининг унинг кимёвий кўрсаткичларига таъсири

Хужайрага иссиқлик таъсирчанлик эффективлиги	Кимёвий таркиби								SO <sub>2</sub> мг/г	
	Қанд %		СО <sub>2</sub> микдори		Спирт % об		рН		70	10
	0	10	7,0	8,7	10,5	12	2,8	3,11		
$\varepsilon'$	60,0	57,6	60,1	59,2	60,1	58,2	59,3	60,3	60,2	59,4
$t_b$	1,45	1,78	1,47	1,47	1,42	1,52	1,51	1,49	1,44	1,47

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ЎЮЧ ЭММ энергиясини шарбатларга эффектив қўллаш билан улардаги микроорганизмларни паст

температурада (55-60 °C) ўтказилиб, “фаолиятини тўхтатиш” имкониятини яратади, жараёни (10-15) мартаба тезлаштиради ва энергия тежамкорлигига олиб келади. Шунингдек, микроорганизмлар концентрациясининг яшаши  $a_e$  нисбатига боғлиқ: агар  $a_e < 1$  бўлса,  $C_b$  концентрациясининг камайиши, микроорганизмлар ўлиш тезлигини кўтаради.  $a_e > 1$  бўлиб  $C_b$  камайса у пасаяди. Анор мевасининг диэлектрик ўтказувчанлиги мевадаги шарбат миқдорига боғлиқ ҳолда ЭММ частотаси  $f=2300$  мГц  $t=20$  °C да  $\varepsilon'-53,8-61,3$  гача ва  $\varepsilon''-14,3-17,2$  гача,  $tg\delta-0,26-0,28$  гача ўзгарилиши экспериментал аниқланди.

**Диссертациянинг «Анор шарбатини электрофлотация ёрдамида сифатли тозалаш»** деб номланган учинчи бобида, гетероген суюқлик ҳисобланган шарбатларни тозалашда: тиндириш, центрофугалаш, филтрлаш, экстракция, сорбция ва флотация методларини қўллаш мумкинлиги таҳлил этилиб, ҳозирги вақтда электрофлотация методининг афзаллиги физик-механик, электрик қонуниятлар асосида изоҳланади.

Электрофлотация жараёнида, анор шарбатини коллоид заррачалардан тозаланишини физик-механик, электрик қонуниятлари асосида асосланишида, жараёнда фақат катоддан ажралиб чиққан пуфакчалар қатнашади деб қабул қилинди, унда пуфакчалар массаси  $m$  Фарадей қонунига асосан:

$$m = aI\gamma t \quad (7)$$

бунда:  $a$ -газнинг электрохимёвий эквиваленти, кг/Ас;  $I$ -ток кучи, мА.;  $\gamma$ -ток бўйича чиқиши;  $t$ -жараёнининг давомийлиги, сек. Ўзгармас ток кучида, пуфакчалар зичлиги  $\rho_2$  (кг/м<sup>3</sup>), ҳажми  $V$  булса:

$$m = \rho_r \cdot VN = \frac{4}{3} \pi r^3 \rho_2 N \quad (8)$$

Унда, катоддан ажралиб чиққан пуфакчалар сони  $N = \frac{3aI\gamma t}{4\pi r^3 \rho_r}$  тенг бўлади. Шунингдек, пуфакчалар тезлиги  $v$  (м/с), пастдан юқоригача бўлган масофа  $H$ -бўлганда, уларнинг ўтиш вақти  $t = \frac{H}{v}$  тенг бўлади.

Электрофлотаторнинг тўлиқ пастки қисмини эгаллаган ва кўндаланг кесимидаги ток зичлиги бир хил бўлганлиги учун пуфакчалар бир текисда суюқлик ҳажми бўйича тарқалган десак, ҳажм бирлигидаги пуфакчалари қуйидагича аниқланади:  $n = \frac{N_0}{HS}$ ; бундан,  $N_0 = nHS$ ;  $n$  - пуфакчалар концентрацияси;  $S$ -кўндаланг кесим юзаси, м<sup>2</sup>. Агар, ток зичлиги, мА/м<sup>2</sup>:  $i = \frac{I}{S}$  десак, унда катоддан юзага ҳаракат қилаётган доимий пуфаклар сони

$$N_0 = \frac{3aI\gamma t_0}{4\pi r^3 \rho_r} \quad (9)$$


Олинган  $t_0$ ,  $N_0$ ,  $I$  натижаларни ушбуга қўйилиши натижасида  $n$  нинг формуласини аниқлаймиз

$$n = \frac{3a \cdot i\gamma}{4\pi r^3 \rho_r \vartheta} \quad (10)$$


пуфакчалар ўртача ҳажми ўзгармас десак, ушбу формуланинг ўнг томондаги барча кўрсаткичлар доимий бўлиб (A), фақат ток зичлиги ўзгарувчан бўлиб, жараёни бошқариш мумкин бўлади:  $n = AI$ ;  $A = \frac{3a\gamma}{4\pi r^2 \rho_r \vartheta}$  – яни, ток кучини ўзгартириш билан n ни ва жараён тезлигини ҳам бошқариш мумкин.

Агар  $\rho_2$  ҳисоблаш билан топилса,  $\nu$  ва  $\gamma$  экспериментал йўл билан аниқланади. Умуман олганда пуфакчалар размери ва ҳаракат тезлиги ток зичлигига боғлиқ бўлади, амалий ишларда пуфакчалар радиуси ток зичлигига боғлиқ эмас. Келтирилган кўрсаткичлар асосида  $B=0,043\text{см}^2/\text{а}$  га тенг.

Юқорида келтирилган назарий ишланмаларнинг, амалий тажрибада кўриш учун, анор шарбатини тозалаш экспериментал тадқиқоти ўтказилди. Электрофлотация изланиш лаборатория стендининг принципиал схемаси 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Электрофлотация лаборатория стени**



Ток зичлиги,  $\text{mA}/\text{см}^2$   
1-Анор шарбати; 2- Узум шарбати.

**2-расм. Пастеризацияланган шарбатнинг электрофлотацион тозалаш тезлигининг ўзгириши ва ток зичлигига боғлиқлиги**

Электрофлотация лаборатория тадқиқот стенди (1-расм): 5 л. ли цилиндрсимон (1,2) электродлар (катод-2 мм калинликдаги алюминийдан анод графитдан) шиша идиш (3), анор шарбати (4), доимий ток манбаи (5), лаборатория автотрансформатори (6), ва тозаланган анор шарбатини йиғувчи идиш (7) ва термометр, ўлчов бошқарув приборлари (амперметр, вольтметр) дан ташкил топган.

Электродларнинг (пластина, стержен) идишда рационал жойлаштириш мақсадида, уларнинг турли шаклда: параллел катод идишнинг тубида, анод унинг устида, ёки тескариси, шунингдек идишнинг баландлиги бўйлаб, ёки иккаласи ҳам тубида ёки устки қисмда қўйилиб тажрибада ҳосил бўладиган пуффакчалар оқимининг бир маромлиги, тезлиги ва размери кузатилди ва натижада катоднинг пластина шаклида идишнинг тубида ва аноднинг стержен шаклида вертикал идиш марказида ўрнатилиши рационал эканлиги тасдиқланди. Шунингдек, катод ва аноднинг турли материаллар: алюминий, пўлатдан, графитдан, мисдан ва бошқа рангли металллар синалиб катоднинг алюминий, аноднинг графитли прессланган стержен бўлиши танланди. Бунда, шарбатда электрод материалларининг таъми, ҳиди ва бошқа унсурлари ўтмаслиги, иқтисодий жиҳатдан самаралилиги инобатга олинди. Электродлар пластина шаклида бўлса, улар нисбатан паст кучланишда ишлайди ва энергия тежамкорлиги ошади.

Электрофлотация жараёнига ток кучининг таъсирини ўрганишда (шарбат ҳарорати 45-50 °С) жараён тезлиги ток кучини 3,2 дан 50 мА/см<sup>2</sup> гача ўзгартирилиб, тозалашнинг ток зичлигига боғлиқлиги аниқланди ва уни узум шарбати учун олинган натижа билан қиёсий таҳлил этилди (2-расм).

Экспериментал маълумотлар таҳлили шуни кўрсатяптики, ток зичлигининг кичик миқдорида (2-5 мА/см<sup>2</sup>) жараён секин боради (30-34 дақиқа) ва бу вақтда шарбат газли пуффакчалар билан кучсиз тўйинади, пуффакчалар концентрацияси анча кам бўлади, ток зичлигининг кўпайиши билан жараён тезлиги ошиб, пуффакчалар концентрацияси ошади. Анор шарбати учун 15-20 мА/см<sup>2</sup>, узумда 20-25 мА/см<sup>2</sup> оптимал режим ҳисобланиб, бундан кўпайиб бориши билан, бир қисми флотацияга қўшилади, қолганлари муаллақ заррачаларсиз шарбат оқимини вужудга келтиради, кўпикни зичлигини оширади ва флотация сифатини пасайтиради.

Шарбат ҳарорати 20 дан 50 °С оралиғида кузатилиб, ток зичлигини 18 мА/см<sup>2</sup> да ушлаб турилди ва унинг давомийлик орасида боғлиқлиги аниқланди, 5 дан 18-20 °С гача бўлган юқори температурада флотация тезлиги сезиларли даражада ошади. Чунки, муаллақ зарралардаги оқсил моддалари қиздирилганда, гидрофилик хусусиятларини йўқотади ва гидрофобликни қўлга киритади, бу эса пуффакчаларига ёпишиши учун шароит яратилади.

Электрофлотацияда шарбат катламининг баландлиги бўйича, тажрибада, шарбатлар идиш баландлиги бўйича қисмларга тақсимланди, синовдан олдин шарбатни (20 °С) катод устидан 70 см гача солинди. Биринчи уч тажрибада ток зичлиги 25 мА/см<sup>2</sup> га тенг бўлиб, 0, 20, 60 ва 70 см баландликда катод

устида жойлашган суюқлик қатламида электрофлотация тезлиги тавсифланди (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Муаллақ зарраларнинг электрофлотация баландлиги буйича тезлигининг ўзгариши

Тажриба рақами	Жараёнинг давомийлиги, дақ.	Турли хил баландликдаги мутлоқ зарралар концентрацияси (% ларда)				Тажриба рақами	Жараёнинг давомийлиги, дақ. 80 см	Турли хил баландликдаги муаллақ зарралар концентрацияси (% ларда)			
		0	20 см	60 см	70см			0	20 см	60 см	70 см
1	0	3,3	3,3	3,3	3,3	3	8	2,2	2,2	2,8	2,8
	4	1,8	2,5	3,0	4,0		12	0,8	0,8	0,8	1,2
	8	0,8	1,6	2,5	2,8		0	4,5	4,0	4,0	4,0
	12	0,8	0,8	0,8	0,8		6	3,8	3,8	4,2	4,2
	16	0,8	0,8	0,8	0,8		10	3,2	3,8	3,8	3,8
2	0	3,8	3,8	3,8	3,8	3	14	1,9	1,9	2,2	2,2
	4	2,7	3,6	3,6	4,1		18	0,9	0,9	0,9	1,3

Шундай қилиб, катодга улашган ( $H=0$  см) суюқлик қатламидан 4 дақ сўнг, ўртача 30-40 % таъсирланган зарралар флотацияланган бўлади. Шу вақтнинг ўзида катод устидан 20 см баландликдаги мавжуд бўлган суюқлик қатлами 20 % га яқин, суюқлик ичидаги қатлам эса 70 см 11 % дан кам флотацияланган бўлади. Шундай қилиб, катод устидаги суюқлик қатлами қанча юқори бўлса, электрофлотация жараёни тезлиги ҳам шунча паст бўлади. Ҳажми буйича муаллақ зарралар концентрацияси бир хил тавсифланди: 1 % га, бошқаларда 0,5 ва 2,0 % га тенг бўлди. Биринчи тажрибада жиҳоз 50 дақиқа ишлаган бўлса ҳам охириги 38 дақиқада ҳам суюқликдаги зарралар концентрацияси ўзгармади ва 1 % тенг бўлиб қолаверди. Баъзи бир ҳолатларда ишлов берилаётган суюқлик 70 см баландликда 4 дақиқадан сўнг муаллақ зарралар ҳажмининг ошиши кузатилди.

Анор шарбати билан ўтказилган учинчи тажриба муаллақ зарраларнинг бошланғич таркиби 3,8 % га яқин бўлган. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, муаллақ зарралар концентрацияси ошиши билан электрофлотация тезлиги электрофлотацион жиҳознинг барча баландлиги буйича секинлашади. Суюқликни тўлиқ тозалаш учун вақт 12 дан 18 дақиқагача ошиб борди.

Электрофлотация кинетикасида шарбатда мавжуд бўлган муаллақ зарраларнинг табиати ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатиши кузатилди, анорнинг уруғига нисбатан пўсти, пардаси тезроқ флотацияланади.

Экспериментал маълумотлардан олинган ток зичлигининг мақбул вариантыда катоддан ажралиб чиққан водород массасини ҳисоблаганда,  $1 \text{ см}^2$  юзали катоддан 0,3 мг водород, бу 3 мг.дан кам сувнинг парчаланишига ва

ажралишига, идишнинг баландлиги 70 см ҳажмдан иборат бўлса, шарбат массасининг 0,003 % дан кўп бўлмаган тоза суви йўқотилади.

Электрофлотация тозалашда ток зичлиги (1-тажриба серияси) 15 мА/см<sup>2</sup> ва 50 мА/см<sup>2</sup> (2-тажриба серияси)да таҳлил натижалари келтирилган. (6-жадвал). Маълумотларидан кўришиб турибдики, анор шарбатидаги кўрсаткичларда муҳим ўзгаришлар мавжуд эмас. Электрофлотация жараёнида куруқ моддалар, шакар, титрланган кислота, дубилли ва буёвчи моддалар, темир, калций ва витаминларда сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлмайди.

Анор шарбатининг кимёвий таркибидаги электрофлотация жараёнларнинг хусусиятлари бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун ультрабинафша ва инфрақизил нурланиш ёрдамида текшириш олиб борилди.

### 6-жадвал


#### Анор шарбатининг электрофлотациягача (1) ва ундан сўнги (2) кимёвий таркиби

Тажриба серияси	Намуналар рақами	Сараланган намуналарнинг баландлиги, см	Куруқ моддалар, %	Шакар, %	Титрланган кислота %	Дубилли ва буёвчи моддалар, г/л	Кислоталиги, %	рН	Fe, мг/ 100 г	Са мг/ 100 г.	Витаминлар, мг %.			
											Аскорбин кислотаси -С рН 5,0	Тиамин-В <sub>1</sub> , мг% рН 7,5,	Рибофловинин	придоксин
1	1	0	21,0	18,5	1,29	1,12	1,8	3,35	0,15	0,22	12	0,22	0,15	0,4
	2	70	21,0	18,6	1,29	1,11	1,8	3,35	0,15	0,22	11	0,22	0,15	0,4
	3	0	21,0	18,3	1,29	1,12	1,8	3,35	0,14	0,21	10	0,22	0,15	0,4
	4	20	21,0	18,3	1,29	1,11	1,9	3,3	0,14	0,21	11	0,21	0,14	0,4
	5	60	21,0	18,6	1,29	1,12	1,6	3,3	0,14	0,21	10	0,21	0,15	0,4
	6	70	21,0	18,3	1,29	1,08	1,6	3,3	0,15	0,22	10	0,21	0,14	0,4
2	1	0	18,6	16,6	1,26	1,09	1,5	3,4	0,14	0,21	9	0,21	0,13	0,3
	2	70	18,2	16,3	1,24	1,06	1,4	3,4	0,14	0,22	8	0,20	0,13	0,3
	3	0	18,4	16,3	1,24	1,05	1,5	3,4	0,13	0,21	8	0,19	0,14	0,3
	4	20	18,4	16,3	1,25	1,05	1,3	3,4	0,14	0,21	8	0,20	0,13	0,3
	5	60	18,4	16,3	1,24	1,04	1,3	3,4	0,13	0,21	7	0,19	0,13	0,3
	6	70	18,4	16,3	1,24	1,03	1,2	3,35	0,14	0,22	8	0,20	0,14	0,3

Бунинг учун, ишлаш диапазони 220 дан 1100 мкм чегара доирасида жойлашган диапазонда СФ 4 турдаги кварцли спектрофотометрдан фойдаланилди. Бу диапазонда спектрнинг ультрабинафша қисмида энг кўп ютилиш максимал даражада топилди. Олиб борилган органолептик таҳлил, электрофлотацияда анор шарбатининг тиниқлиги, ранги ва таъмини яхшиланганлигини тасдиқлади.

Диссертациянинг «Анор шарбати ва концентратини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи

бобида, ҳозирда мавжуд «Бертуцци» ишлаб чиқариш технологик линиядаги пластинкали иссиқлик алмаштиргичли пастеризаторнинг ўрнига ЎЮЧ резонансли пастеризаторни ва анорни тозалаш сўнги босқичидаги қўлланилган иккинчи сепаратор ўрнига, икки камерали комбинирлашган электрофлотаторни қўллаш билан ишлаб чиқариш технологик линияси такомиллаштирилди (3-расм).




1-қабул қилиш столи; 2-транспортер; 3-ювиш элеватори; 4-дона ажратиш машинаси («Vertuzzi»); 5-анор пўчоғи транспортери; 6-насос; 7-лентали пресс («Flottweg»); 8-анор уруғи транспортери; 9-шарбат буфер сизими; 10-шарбат йиғувчи резервуар; 11-сепаратор («Nagema»); 12-ЎЮЧ пастеризатор; 13-анионалмашиниш реактори; 14-анионитни ажратиш сепаратори; 15-ферментлаш-елимлаш танки (танназа); 16-Икки секцияли электрофлотатор; 17-ультрафилтёр қурилмаси «Uniprectin AG», БС<sub>17</sub>-ультрафилтёр шарбат танки-17; БД<sub>17</sub>-ультрафилтёр дистиллат танки-17; 18-уч корпусли вакуум-бузлатиш қурилмаси «Смета»; 19-шарбат буфер сизими; 20-тайёр концентрат учун сизим; 21-концентрат учун тузли совуткич; 22-совутилган концентратни йиғиш сизими; 23-вакуум насос; 24-асептик резервуар.

### 3-расм. Анор шарбати ва концентрати ишлаб чиқариш такомиллаштирилган технологик линияси


Анор шарбати учун ЎЮЧ узлуксиз пастеризатор ва икки камерали электрофлотаторнинг принципал технологик схемаси 4, 5-расмларда келтирилди.

ЎЮЧ пастеризатор, ЎЮЧ ЭММ энергиясиниг манбаидан, ЎЮЧ пастеризатор бошқарув, хавфсизлигини таъминловчи жиҳозлардан ва шарбат кириш, чиқиш қувурларидан ташкил топган. Пастеризатор қуввати бўйича уч гуруҳга: кичик (1,5 кВт гача), ўрта (1,5-5 кВт) ва катта (5 кВт дан катта), унумдорлиги бўйича ҳам: кичик (5-10 кг/с), ўрта (15-40 кг/с) ва каттага (50 кг/с кўп) бўлиши мумкин.



**4-расм. ЎЮЧ анор шарбатини узлуксиз пастеризацияловчи қурилманинг принципиал технологик схемаси.**

*1 ва 3-шарбат чиқиши ва кириши қувурлари; 2-ишчи камерадаги узлуксиз шарбатни пастеризациялаш илон изли қувурлари; 4-резонаторли ЎЮЧ ишчи камера; 5-қурилманинг каркаси; 6-диссектор электродвигатели; 7-диссектор; 8-ЭММ тўлқин узатгичи; 9-магнетрон; 10-сигнал лампаси; 11-бошқарув панели; 12-бошқарув панели кнопкалари; 13-реостат; 14-қурилмани ёқиш ўчириши кнопкаси.*



**5-расм. Икки камерали анор шарбати электрофлотация қурилмаси.**

*1-шарбатни кириши жойи; 2-кўпикли маҳсулот; 3-каркас; 4-кислород чиқиши йули; 5-кислород пуфакчалари; 6-қайта ишлов шарбати; 7-тоза шарбат чиқиши йули; 8-диафрагма; 9-катод; 10,17-анод; 11-шарбатнинг иккинчи секцияга ўтиши жойи; 12-тоза шарбат чиқиши жойи; 13-катод; 14-катоддан ажралаётган водород пуфакчалари; 15-сифатли тозаланаётган шарбат; 16-кўпикли қатлам; 18-катод сими*

Электрофлотатор, ишчи камерасида ўрнатилган анод ва катод электродлари, маҳсулотни бериш, чиқариш, доимий ток манбаи, бошқарув тизими ва бошқа қисмлардан иборат. Унинг икки камерасида: аввал анор шарбатини катта чиқиндилари жадал пуфакчалар оқимида, оқимларнинг

аралашинишига йул қўйилиб, сўнг секинлаштирилган оқимда аралашинишига йул қўйилмай, кичик коллоид зарраларни пуффакчаларга ёпиштириб тозаланади.

Ишда, ЎЮЧ пастеризатор ва электрофлотатор қурилмаларининг муҳандислик ҳисоб методикаси келтирилган. Унда, ЎЮЧ резонаторли пастеризатор ишчи камера ҳисобига қуйидаги формуладан фойдаланиш таклиф этилган:

$$z_f = \frac{r\bar{\theta}\rho C_p}{2(\beta - \alpha r\bar{\theta}\rho C_p)} \ln \left\{ \frac{\beta}{\alpha r\bar{\theta}\rho C} \left[ \frac{[(T_n - T_b) + r\Delta U \rho \cdot r](\beta - \alpha r\bar{\theta}\rho C)}{2\alpha\beta P_{\Delta y} r} + 1 \right] \right\} \quad (11)$$

$z_f$ -ишчи камеранинг узунлиги м;  $T$ -муҳит температураси  $^{\circ}\text{C}$ ;  $T_n$  дан  $t_s$  гача температуранинг ўзгариш чегараси  $^{\circ}\text{C}$ ;  $\Delta U$ -камерадан маҳсулот ўтиш тезлиги.

Электрофлотатор ҳисобига ишчи камера узунлиги  $L$  ва баландлиги  $H$  ўзгармас деб қабул қилиниб, унинг кенглиги- $K$ ,  $G$ -унумдорлик учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K = \frac{4GH_0 m\rho_0 \cos \frac{\pi}{2} S_k}{\pi^2 S_k^2 LR} \quad (12)$$

$S_k$ -қурилма кўндаланг кесимининг юзаси,  $\text{м}^2$ ;  $m\rho_0$ -шарбат массаси ва зичлиги  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

Мазкур ишланмаларни ишлаб чиқаришига жорий этишдан кўриладиган иқтисодий самара йилига 647,6 млн.сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда анор мевасидан шарбат олиш технологиясининг аналитик таҳлили ўтказилиб: анор мевасининг етиштирилиши ва маҳаллий помологик навлари аниқланди, анор мевасининг кимёвий тавсифи ва шарбатининг сифатини яхшилаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар кўриб чиқилиб, анор мевасини қайта ишлаш технологияси такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган анор шарбатининг сифатини яхшилашда электрофизикавий методларнинг қўллаш асосланган.

2. Анор шарбатини пастеризациялашда микроорганизмалар фаолиятини тўхтатишда ЎЮЧ ЭММ энергиясидан фойдаланишнинг самаралиги асосланган. Микроорганизмларнинг яшаши диэлектрик хусусиятидан, яшаш муҳитининг концентрациясидан, ЭММ частотаси ва қувватига ҳамда диэлектрик ўтказувчанлигининг катта кичиклигига боғлиқлиги аниқланган.

3. Маҳаллий анор навлари мевасининг шарбатини электр майдон таъсирида  $f=2300$  мГц  $t=20$   $^{\circ}\text{C}$  ишлов беришда комплекс диэлектрик ўтказувчанлиги  $\epsilon' = 53,8-61,3$  ва  $\epsilon''=14,3-17,2$  тенглиги аниқланган.

4. Анор шарбатини электрофлотация билан тозалашда: жараёнга ток зичлигини, камерага электродларнинг жойланиши, кўпикланишнинг хусусиятлари, шарбатнинг ҳарорати ва қатлам баландлигининг таъсири аниқланган.

5. Анор шарбатининг ҳарорати 45-50 °С бўлганда, ток зичлиги 15·20 мА/см<sup>2</sup> да шарбатни тозалашнинг оптимал режими аниқланди. Аммо ушбу методда ҳам 1-1,5 % қуйқа ҳосил бўлиши мумкинлиги асосланган.

6. Электрофлотация жараёнида анор шарбатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари: куруқ моддалар, шакар, дубилли ва бўёвчи моддалар, кислотаси, темир, калций ва витаминлари сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлмаслиги ва кўриниши, таъми яхшиланганлиги тасдиқланган.

7. Анор шарбатини узлуксиз пастеризацияловчи ЎЮЧ резонансли пастеризатор ва тозалаш учун икки камерали комбинирлашган электрофлотация қурилмаси ишлаб чиқилган.

8. Анор шарбати ва концентратини ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

9. ЎЮЧ пастеризация ва электрофлотация қурилмаларининг муҳандислик ҳисоблари келтирилди. Ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самара 647,6 млн.сўмни ташкил этиши аниқланган.

**НАУЧНОЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО -  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УЗАЙДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН ОЛИМОВИЧ**

**СОЗДАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ СОКОВОГО  
КОНЦЕНТРАТА ИЗ МЕСТНЫХ СОРТОВ ГРАНАТА**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара - 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2021.3.PhD/Т2362.**

Диссертационная работа выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)), размещен на веб-странице института ([www.bmti.uz](http://www.bmti.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Баракаев Нусратилла Раджабович.**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Исабаев Исмаил Бабаджанович**  
доктор технических наук, профессор

**Маматов Шерзод Машрабжанович**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 по присуждению ученой степени при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: 200117, г. Бухара, ул. К. Муртазаева дом-15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрировано под №\_\_\_). (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. К.Муртазаева, дом-15. Тел.: (99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки №3 от «18» январь 2022 г.).

**С.Ф. Фозилов**

Заместитель председателя научного совета по присуждению учёной степени, д.т.н., профессор

**Р.Р. Хайитов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёной степени, д.т.н., ст.науч.сот.

**Ш.М. Ходжиев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёной степени, к.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день наблюдается высокий рост производства на предприятиях по переработке плодов граната по всему миру, включая Индию, Иран, Китай, Турцию, США, Пакистан, Афганистан, а также Узбекистан. На предприятиях комплексной переработки сельскохозяйственного сырья используется оборудование и устройства сложной конструкции, отличающиеся высокой энергоемкостью. Соответственно, важно перерабатывать современные гранаты и создавать современное оборудование и технологии для производства экспортоориентированной продукции.

Во всем мире ведется научная работа по совершенствованию переработки фруктов и овощей, богатых углеводами, витаминами и микро- и макроэлементами, созданию современного оборудования и технологий. При этом особое внимание уделяется созданию высокоэффективных методов и технологий получения фруктовых и овощных соков.

В пищевой промышленности страны достигаются определенные результаты в производстве экспортно-ориентированного гранатового сока за счет внедрения технологий хранения и переработки овощей и фруктов, эффективного использования сортов граната. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит важные задачи по «... углублению структурных реформ и последовательному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности, расширению производства экологически чистой продукции, значительному увеличению экспортного потенциала страны в аграрный сектор»<sup>1</sup>. Исходя из этого, особенно важны исследовательские работы в направлении создания технологий производства экспортно-способной продукции на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, отмеченных Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПФ-4707 от 4 марта 2015 года «О программе мероприятий по обеспечению реструктуризации, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 августа 2015 года № 251 «Об утверждении Концепции и комплекса мер по обеспечению качества пищевых продуктов в 2020 году» Постановления Президента Республики Узбекистан от 6 января 2017 года № ПП-2716. реализация указов и постановлений Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» и других нормативных правовых актов, относящихся к данной деятельности.

